Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

ISSN 2010-7021

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2009 YIL 27 FEVRAL, JUMA, 26 (7487) - son

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.

ТАЪЛИМ СИФАТИ ЁШЛАР ЭРТАСИГА КАФОЛАТ

Термиз тиббиёт коллежида 2700 нафар йигит-қиз таълим олмоқда. Таълим сифатининг яхшилиги, яратилган шарт-шароит ва қулайликлар боис, ушбу коллежга қўшни Вилоятлардан ҳам йигит-қизлар келиб ўқишади. Узоқдан келган ўқувчилар учун 340 ўринли ётоқхона, 120 ўринли ошхона хизмат кўрсатади. Ётоқхонада гўзаллик салони, савдо дўкони ва пойабзал таъмирлаш устахонаси ишлаб турибди.

Билим даргоҳида 48 минг китоб фондига эга бўлган ахборот-ресурс маркази, 47 та фан, 8 та спорт тўгараги фаолият кўрсатмоқда.

Коллеж ўқувчилари спортнинг қўл тўпи, волейбол, шахмат, шашка, енгил атлетика турлари бўйича шаҳар, вилоят ва республика миқёсидаги мусобақаларда фаол иштирок этиб келишмоқда. Бир неча карра Ўзбекистон чемпиони Сайгул Тўрамуродова хотин-қизлар ўртасидаги кураш мусобақасида биринчи ўринни эгаллаб, апрель ойида Термиз шаҳрида Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишлаб ўтказиладиган Президент совғини учун халқаро мусобақада иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Ҳамширалик иши бўлими 3-курс ўқувчиси Севара Зийнатова эса енгил атлетика бўйича "Баркамол авлод" спорт мусобақаларининг республика босқичида бронза медали соҳиби бўлди.

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Сурхондарё вилояти

Юртбошимиз шу йилнинг 13 февралида 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш зарурлигини, бу вазифа, авваламбор, иқтисодиётнинг асосий тармоқлари, экспортга йўналтирилган ва маҳаллийлаштириладиган ишлаб чиқариш қувватига тегишли эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Мустақиллик йилларида саноати ривожланиб бораётган Қорақалпоғистон Республикасида айнан шу мақсадда қатор ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда.

МОДЕРНИЗАЦИЯ — САМАРАДОРЛИК НЕГИЗИ

– Ўтган йилда саноатнинг асосий тармоқларини ҳамда йирик корхоналарни модернизациялаш, техник қайта жиҳозлаш, замонавий технологиялар ўрнатиш дастури давом эттирилди, – дейди Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиёт вазири Махсуд Ерназаров биз билан суҳбатда.

Бу фикрни қуйидаги далил ва рақамларда ҳам кўриш мумкин. "Элтекс" акциядорлик жамиятида 1,5 миллион АҚШ долларилик модернизация ишлари амалга оширилди. Натижада, жаҳон бозорлари талабларига жавоб берадиган 1,1 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, унинг асосий қисми экспорт қилинди. Президентимизнинг 2008 йил 28 ноябрдаги "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Фармони ижроси натижасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Корхонада айни пайтда Италиянинг "SAVIO" фирмасида ишлаб чиқарилган ип йигириш машинасини ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, бир қатор ҳамкорлар билан тайёр маҳсулот экспорти бўйича шартномалар тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2007-2011 йилларда пахта тозалаш саноати корхоналарини модернизация ва реконструкция қилиш дастури тўғрисида"ги қарорига мувофиқ "Тўртқўл оқ олтини" акциядорлик жамиятида 2,5 миллиард сўмлик модернизация ишлари амалга оширилди. Натижада, маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи 63 сўмга камайиб, корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати 16,5 фоизга ошди. Энг асосийси, маҳсулот сифати

Жараён

яхшиланиб, тола чиқими 0,4 фоизга ошишига эришилди.

Ёғ-мой саноати корхоналарини модернизациялаш ва қайта жиҳозлаш дастурига асосан "Чимбой мой", "Турон-Хўжайли" ва "Ёғгар" очиқ акциядорлик жамиятларида модернизация ишларининг иккинчи босқичи амалга оширилди. Ҳудудий инвестиция дастурига киритилган "Нукус вино заводи" акциядорлик жамиятида 260 миллион сўмлик модернизация ишлари, корхонанинг ишлаб чиқариш қувватини йилига 100 минг даллга оширди. "Қорақалпоқ дон маҳсулотлари" акциядорлик жамиятида олиб борилган ана шундай ишлар омихта ем тайёрлаш цехининг ишлаб чиқариш қуввати бир кеча-кундузда 20-25 тоннага ортиши ҳамда маҳсулот таннархининг камайишига омил бўлди.

Жорий йилда бу каби ишлар кўлами янада кенгаяди. Жумладан, "Элтекс" акциядорлик жамиятида 262 миллион сўмлик, "Элликқалъа олтин толаси" акциядорлик жамиятида 2,6 миллиард сўмлик, шунингдек, "Чимбой мой", "Турон-Хўжайли" ва "Ёғгар" очиқ акциядорлик жамиятларида ана шундай ишлар амалга ошириш режалаштирилган.

Бир сўз билан айтганда, узоқни кўзлаб қилинаётган ҳар бир ишдан асосий муддао ички ва ташқи бозорга сифатли саноат маҳсулотлари етказиб бериш, пировард мақсад эса юрт иқтисодиёти равнақи, аҳоли фаровонлигини оширишдир.

Давуд АБИБУЛЛАЕВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

Бухоро туманидаги Наврўз маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Жаҳонгир Ботиров ўтган йили шахсий маблағи ҳисобидан маиший хизмат кўрсатиш маркази қуриб, ишга туширди. Айни пайтда бу ердаги суратхона ва пайнет хизматида уч киши иш билан банд. Тадбиркор эса "Микрокредитбанк"нинг туман бўлимидан имтиёзли кредит олиб, тикув цехини ишга туширишда ҳаракатида юрибди.

Қишлоқда сервис хизмати

Бу ҳам қулайлик, ҳам янги иш ўрни яратишга омил бўлмоқда

131 минг аҳолиси бўлган туманда сервис хизмати яхши йўлга қўйилган. Бу ўз навбатида, фуқаролари доимий иш билан таъминлашга ҳам сабаб бўлмоқда. Хусусан, Работиқалмоқ қишлоғилик Комил Сафаров ва Лоша қишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Пахлавон Набиев сервис хизматини йўлга қўйиб, 5 кишини доимий иш билан таъминлади.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг қишлоқ аҳолиси турмушини янада яхшилашдаги аҳамияти ҳисобга олинсо, у ёки бу йўналиш билан шуғулланиш истагида бўлган тадбиркорлар банк муассасалари томонидан қўллаб-қувватлаб келинмоқда. Шергирон қишлоғилик Умид Шомуродов "Галлабанк"нинг туман бўлими ажратган 10 миллион сўмлик кредит ҳисобига "Автотеххизмат" маркази ишини йўлга қўйди. Тадбиркор Амон Набиевга эса "Сарбон Плюс Карвон" кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхона фаолиятини ривожлантириш учун мазкур молиявий муассасадан берилган 10 миллион сўм кредит катта мадад бўлди. Ҳозир мазкур корхонада 15 нафар хотин-қиз меҳнат қилмоқда.

Дўстлик маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Ёркин Муродовга эса Бандликка кўмаклашиш маркази кўмакка келди. Марказ унга ўз жамғармаси ҳисобидан йиллик 3,5 фоиз тўланадиган 5 миллион сўм имтиёзли кредит ажратди. Бу унга маҳалладошларига компьютер хизматлари кўрсатиш имкониятини яратди.

Бир сўз билан айтганда, сервис хизматининг яхшиланиши натижасида туман аҳолисининг турмуш тарзида янгидан янги қулайликлар яратилмоқда. Муҳими, соҳанинг ривожланиши туфайли ўтган йили 175 нафар фуқаро иш билан таъминланди.

Ҳамроз АЛИ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Бухоро вилояти

Куннинг муҳим воқеалари

○ Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида «Ўзбекистон ёш рассомлари ижодида миниатюра анъаналари» деб номланган бадиий кўргазма ташкил этилди.

○ Нукус шаҳрида ўсмирлар ўртасида спортнинг эркин кураш- тури бўйича мусобақа ўтказилди.

○ Гулистон шаҳрида пахтадан юқори сифатли ипкалава тайёрлайдиган янги қўшма корхона иш бошлади. Буюк британиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур "Мили-Гулистон-текстиль" қўшма корхонасида юртимизда етиштириладиган ингичка толали пахта қайта ишланади. Тайёр маҳсулотнинг асосий қисми экспорт қилинади.

○ Қарши шаҳрида Адлия вазирлиги томонидан жамиятда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш борасида амалга оширилган ишлар ва келгусидаги режалар мавзуида матбуот анжумани ўтказилди. Унда ҳуқуқ-тартибот идоралари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

○ Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан стол тенниси бўйича "Камолот" маликаси" мусобақасининг Нукус шаҳар босқичи бўлиб ўтди.Унда 1991-94 йилларда туғилган қизлар иштирок этди. Ғолиблар мусобақанинг Қорақалпоғистон босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

○ Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан ташкил этилган «Энг фаол маънавият тарғиботчиси» кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичида 21 нафар иштирокчи ўз маҳоратини намойиш этди.

Қашқадарё вилояти ғаллакорлари айни кунларда ғалла майсаларини парваришлаш, маҳаллий ва минерал ўғитлар билан озиқлантириш агротехник тадбирларини олиб боришмоқда. Баравж ривожланаётган ғалла майсаларини пайҳондан асрашда уларга ички ишлар идоралари ходимлари ҳам кўмак кўрсатишаётир. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 10 декабрдаги "Қишлоқ хўжалиги экинларининг пайҳон қилинишига қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада дастуриламал вазифасини ўтаётир.

Эл ризқини асрашга барчамиз масъулмиз

Амалга оширилган ишлар натижасида, ҳозирги кунга қадар аҳоли кўп яшайдиган ҳудудларга яқин бўлган 870 минг метр ғаллазорнинг атрофлари четан деворлар билан тўсилди. Бу қаровсиз қолдирилган айрим чорва молларининг ғалла майсаларини пайҳон қилишини олдини олишда қўл келаётир. Бундан ташқари, ҳар бир ғалла майдонларини доимий кўриқлаш учун 318 та қузатув масканлари ташкил этилди. Бироқ жойлардаги профилактика инспекторлари, маҳалла оқсоқоллари, посбонлар ва бошқа соҳа вакилларининг олиб бораётган саъй-ҳаракатларига қарамасдан лоқайдликлар туфайли вилоятда 214 та пайҳон ҳолатлари аниқланди. Айбдорларга нисбатан қонуний чоралар кўрилиб, улардан етказилган зарар учун жарималар ундириб олинди. Мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, Муборак тумани ИИБ ходимлари томонидан жорий йил 26 январь куни олиб борилган тадбирлар натижасида "Ниёз бобо Абдиев" фермер хўжалиги далисига Д.Каримназаровнинг 4 бош оти кириб, 0,04 сотих жойдаги ғалла майсаларини пайҳон қилган. Мазкур ҳолат юзасидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, Қорақум КФЙ қарорига асосан мол эгасидан етказилган зарар тўлиқ ундирилди.

Албатта, бу каби иллатлар учун чора кўриш билан кўзланган мақсадга эришиш мушкул. Энг муҳими, халқ ризқ-рузини асрашга барчамиз масъул бўлишимиз, лоқайдликка йўл қўймаслигимиз даркор. Зеро, бугуни ям-яшил ғаллазорлар эртанги ризқ-рўзимиз манбаидир.

Баҳодир ЭРГАШЕВ,
Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармаси катта инспектори.

Қашқадарё вилояти

КАЛТА ИП БОҒЛОВГА ЕТМАЙДИ

ёхуд экин майдонларини оптималлаштиришнинг аҳамияти ҳақида

Глобал иқтисодий инқироз ҳақидаги ахборот оқими тинмайди: "Жаҳон инқирози туфайли фалон компаниянинг умумий ишлаб чиқариш ҳажми 50 фоиз пасайиши кутилмоқда. Бир неча заводни ёпиш ва минглаб иш ўринларини қисқартиришни режалаштирмоқда".

Телевизорни ўчирдиму ҳовлида гурунглашиб турган қўшнилар ёнига тушдим.

— Қаерга қарама шу гап. Жаҳон молиявий инқирози нима дегани ўзи? — деб ажабланди темирйўлчи қўшним.

Инқироз АҚШда ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган танглик ҳолатидан бошланди. Бу йирик банклар ва молиявий тузилмаларнинг ликвидлик даражасига салбий таъсир кўрсатди. Оқибатда, дунёнинг етакчи фонд бозорларида энг катта компаниялар индекслари ва акцияларининг қиймати тушиб кетди. Бу эса ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш суръатининг кескин пасайишига ва ишсизликнинг ошишига олиб келди.

— Сен кўркмасанг ҳам бўлади, — деди бошқа бир қўшнимиз. — "Ўзбекистон темир йўллари" компанияси бақувват ташкилот. Маошингни вақтида оласан. Рўзғоринг тинч. Бозорўчаринг жойида. Айтганча, кеча бозорга тушгандим. Ун, шакар, гўшт, картошка, сабзи, карам анча арзонлашиб қолибди.

Суҳбат мавзуси ўз-ўзидан нархнавога бурилди...

"Аргументы и факты" газетасининг шу йилги 6-сонида чоп қилинган "Антинародные цены" сарлавҳали мақола "Кузда иқтисодчилар инқироз таъсирида ҳамма нарса – квартирадан тортиб сут-қатиққача арзонлашади, деб бизни ишонтиришган эди. Мана, қиш ҳам охирлаб қолди, аммо маҳлакатда ҳеч нарсанинг нархи тушгани йўқ, аксинча — қимматлашмоқда", деб бошланади. Унда айтилишича, январь ойининг иккинчи ўн кунлигида Россияда нарх ўсиши 1,2 фоизни ташкил этган. Бир ҳафтада шакар 3,9 фоиз, гўшт, сут, нон, чой, туз сингари маҳсулотлар 0,7 фоиз қимматлашган. Айниқса, карам ва сабзининг нархи 2,7-1,8 фоиз ошиб кетган. Экспертлар прогноз-хулосаларига кўра, 2009 йил охиригача Россияда кундалик эҳтиёж товарлари нархи 14-15 фоиз кўтарилади.

Россиялик истеъмолчилар, айниқса, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қимматлашиб кетаётганидан хавотирда.

Бугун россиялик иқтисодчилар озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирадиган фермерларни қўллаб-қувватлаш, уларни муайян солиқлардан озод қилиш зарурлигини уқтирмоқда. Бу масалалар Ўзбекистонда фермерлик ҳаракати бошланган илк йиллардаёқ Президентимиз Ислом Каримов томонидан пухта ишлаб чиқилган туб ислоҳотлар замирида ўз ифодасини топган ва у амалиётга кенг жорий қилиб бўлинган.

Мамлакатимизда фермер хўжаликларини моддий-техник таъминлаш ва молиялаш бўйича ишончли тизим ва механизмлар шакллантирилди ҳамда муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Ҳар йили фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш учун катта миқдорда моддий ресурс ажратилмоқда. Фақат ўтган 2008 йилнинг ўзида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг энг муҳим турларини етиштириш учун 1 триллион сўм аванс тариқасида берилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ана шундай эътибор ва амалий ёрдам туфайли 2008 йилда фермер хўжаликларининг пахта етиштиришдаги улуши 99,1 фоизни, ғалла тайёрлашда эса 79,2 фоизни ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 октябрда қабул қилинган «Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони соҳада навбатдаги муҳим босқични бошлаб берди. Бугун дунёдаги иқтисодий аҳволни кўриб турибмиз. Шу нуқтаи назардан қараганда, пахта экиладиган ерларни қисқартириш ҳисобига ғалла майдонлари ва бошқа озиқ-овқат экинлари етиштириладиган ерларнинг янада кенгайтирилиши мамлакатимизда бу борадаги ишлар изчиллик билан олиб борилаётганидан далолатдир.

(Давоми 2-саҳифада)

"ЎРТА ОРОЛ" КЎЧАТЛАРИ

Республика ўрмон хўжалиги ва манзарали боғдорчилик илмий- ишлаб чиқариш марказининг Наманган вилоятидаги "Ўрта орол" участкаси жамоаси ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларига муносиб ҳисса қўшиб келаётир.

Айни кунларда бу жамоа кўклам арафасида вилоятдаги хўжаликлар, корхона ва ташкилотлар ҳамда аҳолига сифатли кўчатлар етказиб бермоқда.

— Хўжалигимизда 209 гектар майдонда мевали ва манзарали дарахтлар ҳамда гул кўчатлари етиштирилади, — дейди участка раҳбари Абдулҳай Ўришев. — Ўтган йили 400 минг тупдан зиёд кўчат тайёрлаб берилди. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида бу кўрсаткични янада оширишни мўлжалламоқдамиз. Бу йил баҳорги мавсумга маҳаллий дарахт ва гуллардан ташқари, япон сафораси, каштан ва турли хил игна баргли дарахт ниҳоллари ҳам етказиб берилади.

А.САТТОРОВ,
ЎзА мухбири.

Наманган вилояти

Qishloq hayoti — Қишлоқ ҳаёти

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар —

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ергеодезкадастр", Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмиталари, "Ўздонмаҳсулот", "Ўзкимёсаноат","Ўзагросуғурта", "Ўзвиносаноат-холдинг", "Ўзбекенгилсаноат", "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компаниялари, "Ўзпахтасаноат", "Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати", Ўзбекистон фермер хўжаликлари, "Ўзагромашсервис", "Ўзгўштсутсаноат" уюшмалари, "Пахта Банк", "Ғаллабанк", Халқ банки, "Гидрометеорология" бош бошқармаси, Агросаноат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши, "Ўздавдонинспекция", "Сифат" маркази

○ *2 март — Ўзбекистон БМТга аъзо бўлган кун*

Нью-Йоркдаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бош қароргоҳи жойлашган бино олдида жаҳоннинг 192 давлати байроқлари қаторида Ўзбекистон байроғи ҳам ҳилпираб турганлиги шу юрт фарзанди сифатида ҳар биримизнинг кўнгилларимизни ғурурга тўлдиради. БМТ низомида жамият барча аъзоларининг ўзига хос бўлган қадр-қиммати, тенг ва ажралмас ҳуқуқлари ер юзида эркинлик, адолат ва тинчликни таъминлашнинг асоси эканлиги эътироф этилган. БМТ — ҳар бир инсон ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш, кенгайтириш ва ҳимоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олган халқаро ташкилотдир.

Халқаро майдондаги нуфузимиз ошмоқда

1992 йил 2 март Ўзбекистон тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилган сана. Шу куни мустақил Ўзбекистон давлати Бирлашган Миллатлар Ташкилотига тўлақонли аъзо бўлиб кирди. Орадан кўп ўтмай Тошкентда БМТ ваколатхонаси очилди. Халқаро ҳамжамиятга аъзо бўлган давлатимиз нафақат ташқи сиёсатда, балки ижтимоий-иқтисодий, маданий ва бошқа кўплаб соҳаларда ҳам илдам ривожланиб бормоқда. Дунёнинг етакчи давлатлари билан тенг ҳуқуқда алоқалар ўрнатилган.

БМТ томонидан қабул қилинган халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устуворлиги конституциявий асосда мустаҳкамланган. Халқаро ҳуқуқ меъёрлари — Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, қатор қонунчилик ҳужжатларимизда ўзининг мужассам ифодасини топган. Кейинги йилларда Ўзбекистон парламенти ўнлаб халқаро конвенцияларни, шартнома ва битимларни ратификация қилди.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича олтмишдан зиёд халқаро ҳужжатлар, шу жумладан, БМТ томонидан бу соҳада қабул қилинган олтита асосий халқаро шартнома қатнашчиси сифатида ўз зиммасига олган мажбуриятларини мунтазам равишда бажариб келмоқда.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қоидаларини ҳаётимизга теран татбиқ этиш йўлида изчил ва тизимли ишлар йўлга қўйилгани айниқса аҳамиятлидир. Президентимиз Ислом Каримов томонидан 2008 йил 1 майда имзоланган "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармони муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик ҳужжат бўлиб хизмат қилди. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг янада самарали рағбатлантиришлишини таъминлаш ва муҳофаза этишга қаратилган тадбирларда давлат ташкилотлари ва муассасалари, жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситалари фаол иштирок этди. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси юртдошларимиз ҳаётининг ажралмас бир қисмига айланиб бораётгани қувончли ҳолдир. Ушбу Фармон юзасидан амалга оширилган ишлар халқаро сиёсатчилар томонидан ҳам юқори баҳоланди.

Маълумки, "Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция" тарихда энг кенг миқёсда ратификация қилинган инсон ҳуқуқлари бўйича шартнома ҳисобланади. Бу Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритгандан кейин ратификация қилинган илк халқаро конвенциялардан бири бўлиб, мамлакатимизнинг бола ҳуқуқларини кафолатлашга бўлган интилишидан далолат беради.

2007 йилда қабул қилинган "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Қонуни тарихий аҳамиятга молик ҳужжат бўлиб, уни қабул қилиш асосида Ўзбекистон ўз миллий қонунлари меъёрларини Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция қоидаларига мувофиқлаштириш ва мамлакатдаги ҳар бир боланинг, шу жумладан ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг ҳам ҳуқуқларини таъминлаш борасида муҳим қадам ташлади.

Бугунги кунда мамлакатимизда БМТ Тараққиёт дастури, Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ, ЮНИДО ва ЮНЕСКО ваколатхоналари фаолият кўрсатиб турибди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Президенти БМТ Бош ассамблеяси мажлисларида бир неча бор сўзга чиқиб халқаро террорчилик, диний экстремизм, гиёҳвандлик моддалари ва қурол-яроғнинг ноқонуний савдосига биргаликда қарши курашиш ташаббусини ўртага ташлади. Айниқса, Президентимизнинг БМТ минбаридан билдирган Афғонистондаги нотинч вазият ва уни дунё барқарорлигига салбий таъсири ҳақидаги фикрлари жаҳон афкор оммаси эътиборини қаратди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 2000 йил сентябрда ўтказилган "Минг йиллик" саммитида давлатимиз раҳбарининг минтақавий хавфсизликка, халқаро ҳамжамият фаолиятини ислоҳ қилишга доир билдирган таклифи анжуман қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотганди. Ҳа, ўшанда Президентимиз Ислом Каримов Орол атрофидаги экологик танглик нафақат Марказий Осиё минтақасига, балки бутун сайёрамиз иқлимига салбий таъсир этувчи жиддий муаммо эканини асослаб берганди.

Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятидаги салоҳияти ва БМТ ҳамда бошқа халқаро ташкилотлардаги ўрни мамлакатимизда бозор иқтисодиётига асосланган иқтисодиёт тараққиётида, ҳуқуқий фуқаролик жамияти қуриш йўлида эришилаётган муваффақиятларда ҳам яққол кўринмоқда. Шу ўринда истиқлолнинг дастлабки йилларида қабул қилинган, машҳур беш тамойилга асосланган ижтимоий ҳимояга йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётига ўтиш модели йилдан йилга илгарилаб борганимиз сари ўзини амалда оқлаб, нақадар пухта эканини исботлаётганини таъкидлаш лозим. Ўзбекистон иқтисодиётини янада барқарор ва мутаносиб ривожлантириш, жаҳон бозорларида ўзимизнинг муносиб ўрнимизни эгаллаш, халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш энг устувор вазифалар сирасига киради. Бу вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш мустақил Ўзбекистонимизнинг халқаро майдонда йил сайин ўсиб бораётган мавқеини яна ҳам мустаҳкамлайди.

Муҳаммадюсуф ТЕШАБОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси.

КАЛТА ИП БОҒЛОВГА ЕТМАЙДИ

ёхуд экин майдонларини оптималлаштиришнинг аҳамияти ҳақида

(Боши 1-саҳифада)

Президентимиз Ислом Каримов 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида экин экиладиган майдонларни оптималлаштириш зарурати хусусида тўхталиб бундай деди: "Имконияти, куч-қуввати кам бўлган фермер хўжаликлари ўзини зарур техника, айланма маблағ билан таъминлаш, кредит қобилиятига эга бўлиш, энг асосийси, ўз ҳаражатларини қоплаш ва фойда кўриб ишлаш, даромадни оширишнинг ишончли асосига айланолмаслигини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда". Шу боис, бундай фермер хўжаликларининг ер майдонларини оптималлаштириш бўйича пухта ўйланган, кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

— Халқимизда калта ип боғловга етмайди, деган гап бор, — дейди Жиззах вилоятининг Зарбдор туманидаги «Мухтор» фермер хўжалиги раҳбари Синдор Маттиев. — Тўғри-да, кичик фермернинг даромади ҳам кичкина бўлади. Демак, шўрлатиб юборган экан. Шунинг учун анча вақт мулкдорликка кўниколмай, раҳбарларнинг қош-қовоғига қараб юрдик. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилган изчил ислоҳотлар, Юртбошимизнинг деҳқонларни қўллаб-қувватлашда узоқни кўзлаб олиб бораётган сиёсати, раҳнамолиги туфайли иқтисодий ва руҳий қийинчиликларни енгиб ўтдик. Бугун техникамиз бадастир, еримиз унумдорлиги юқори, рўзғоримиз бут, кўнглимиз хотиржам. Энг муҳими, дунёқарашимиз ўзгарди.

Фермернинг техникаси етарли бўлмаса, турли қийинчиликларга дуч келиши тайин. Синдор ака пулни бехуда совурадиганлардан эмас. У биринчи галда техника сотиб олишга ҳаракат қилди. Ҳозир икки чопиқ, икки ҳайдов трактори бор. Сеялка, культиватор ва бошқа механизмлари ҳам етарли.

Ёнидаги икки кичик хўжалик ерлари қўшилгач, «Мухтор» фермер хўжалигининг экин майдони 137 гектарга етди. Айни кунда 87 гектар майдонда ғалла парваришланмоқда, 47 гектар ер чигит экиш учун тайёрланаётир.

Синдор ака деҳқонга берилган мустақил хўжалик юритиш ҳуқуқидан унумли фойдаланиб, кўп йиллик тажрибасига таяниб, ҳосил ва даромадни оширишга ҳаракат қилмоқда. Даромад фермер хўжалиги иқтисодини мустаҳкамлаш имконини кенгайтиради. Ўтган йили фермер иссиқхона қурди. Айни пайтда помидор, бодринг, қўкат ва зираворлардан хўжаликка яхшигина фойда келаётир.

Президентимиз фармонида озиқ-овқат экинлари етиштириладиган майдонларни кенгайтириш баробарида мева-сабзавот ва чорва маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича замонавий техника ҳамда технологиялар билан жиҳозланган ихчам корхоналарни ташкил этиш, уларнинг кенг қўламда фаолият юритиши учун ҳар томонлама мустаҳкам хомашё базасини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Бу масала "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида ҳам ўз ифодасини топган.

— Қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш орқали аҳолини иш билан таъминлаш муаммоси ҳал этилади, — дейди Тошкент вилоятининг Чиноз туманидаги "Болтабой ота" фермер хўжалиги раҳбари Улуғбек Қаршибоев. — Хўжалигимизда эллик киши доимий иш билан таъминланган. Еримиз кенгайгач, имкониятларимиз ҳам кенгайди. Демак, иш ўринларини ҳам кўпайтиришимиз зарур. Яллама қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида анчадан буён қаровсиз ётган мева-сабзавотни қайта ишлаш корхонаси бор. Биноси ҳам, технологияси ҳам яроқсиз аҳволга келиб қолган шу корхонани тегишли муассасалар ёрдамида фаолиятини тиклаш ниятимиз бор.

Улуғбек иқтисодчи эмас. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг тарих факультетини битирган. Аммо 10 гектар майдоннинг 5 гектарида парваришланаётган 75 минг туп теракдан, беш гектарга экиш мўлжалланаётган ўн минг туп кўктеракдан келадиган фойданинг ҳисобини аллақачон олиб бўлган.

— Тераклар икки йилда тайёр бўлади, — дейди Улуғбек. — Режаларимиз катта. Ёғочни қайта ишлайдиган кичик корхона қуриш ҳақида ҳам ўйлаб қўйганмиз. Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамаси мажлисида ҳар бир туман шароитидан келиб чиқиб, 2009-2011 йилларда қишлоқ жойларда қайта тирилди. Айни пайтда мавжуд 236 фермер хўжалигига ўртача 97 гектардан ер майдони тўғри келмоқда.

— Сув танқислиги фермерларни анчагина мураккаб муаммоларга дучор қилаётгани бор гап. Аммо Президентимизнинг фермер хўжаликлари бугунги кунда ҳақли равишда қишлоқда етакчи бўғинга – қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи асосий кучга айланди, деган юксак ишончи бизга чексиз ғурур, ғайрат-шижоат бағишлайди, янада фидойилик билан меҳнат қилишга ундайди, — дейди Улуғбек Қаршибоев. — Отам бошлаган ишни давом эттиряпман. 20 гектар еримиз бугунга келиб 115 гектарга кенгайди. Техника, ишчи кучи етарли. Икки гектар боғ, ўн гектарлик теракзоримиз бор. Гап фақат даромадда, фойдада эмас. Мен фермер бўлиб одамларга наф келтира бошладим. Ўзимни жамиятнинг керакли бир аъзоси эканимни ҳис қилдим. Халқ орасида обрў-эътибор қозондим. Мен учун энг муҳими – шу.

...Гапни жаҳон молиявий инқирозидан бошлаган эдик. Мамлакатимизда халқаро миқёсдаги бу муаммонинг олдини олишга киришилганига анча бўлди. Президентимиз раҳнамолигида 2008 йилнинг ноябрь ойидаёқ жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури ишлаб чиқилган ва у самарали натижалар бермоқда.

Йирик давлатлар рецессия, яъни иқтисодий турғунлик босқичига кириб бораётган бир пайтда 2008 йили мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръталари 9 фоизни ташкил этди. Инқироз туфайли дунёда минглаб одамлар ишдан бўшатилаётган, уй-жой ва молиявий масалада мураккаб муаммоларга учраётган бўлса, юртимизда 661 минг янги иш ўрни ташкил этилди, аҳолининг реал даромади 23 фоиз кўпайди, 7 миллион 20 минг квадрат метр турар-жой бинолари қурилди.

Жаҳон молиявий инқирозининг таъсирини юмшатиш ва унинг оқибатларини бартараф этиш учун юртимизда барча чора-тадбирлар кўрилмоқда. Қолаверса, кимнинг кимлигини, ким қандай яшаётганини замоннинг ўзи кўрсатиб турибди...

Воҳид ЛУҚМОН,
ЎзА шарҳловчиси.

YETTI IQLIMDAN BIR SHINGIL

ЕРГА ҚЎНИШ УЧУН ЁҚИЛҒИСИ ЕТМАДИ

25 февраль куни эрталаб Истамбул-Амстердам йўналишида ҳаракатланаётган Туркиянинг Turkish Airlines авиакомпаниясига тегишли "Боинг 737-800" ҳаво лайнери Амстердам аэропортига етай деганда, экин даласига қулаб тушган.

Оқибатда, икки учувчи ва ёрдамчиси ҳамда олтита йўловчи ҳалок бўлган, 80 нафардан ортиқ йўловчи турли даражадаги тан жароҳати олган. Жиддий жароҳат олган олти кишининг ҳаёти хавф остида, яна 25 нафар йўловчи кечаю кундуз шифокорлар назоратида. Лайнер бортида ҳаммаси бўлиб 127 та йўловчи ва етти нафар экипаж аъзолари бўлган. Авиаҳалокат сабаблари ҳали расман эълон қилинмаган бўлса-да, лайнернинг ўз манзилига етиб, эсон-омон ерга қўнишига ёқилғи етмагани сабаб бўлган, деган тахминлар йўқ эмас.

АФҒОНИСТОН ТЕРРОРЧИЛАР ЎЧОҒИГА АЙЛАНМАСИН!

АҚШнинг Аризона штатидан сенаторликка сайланган, президентликка собиқ номзод Жон Маккейн CNN телеканалига "Штатлар Афғонистондаги урушда мағлуб бўлмоқда", деган мазмунда интервью берди.



Сенаторнинг фикрича, 2005 йилгача Афғонистон кампаниясида америкаликларнинг қўли баланд бўлди. Кейинчалик ҳудудда америкалик ҳарбийлар сони қисқариши ва Ҳамид Карзай бошчилигидаги Афғонистон ҳукуматининг етарли даражада фаолият юритмагани боис вазият издан чиқа бошлади. Шундай бўлса-да, Афғонистондаги вазият Ироқдаги каби ўта қалтис эмас, дея фикр билдирди, сенатор. Унинг таъкидлашича, америкаликлар урушлардан қанчалик чарчаган бўлмасин, Афғонистоннинг яна террорчилар ўчоғига айланиб қолмаслиги учун барча чоралар кўрилиши шарт.

ИШЛАМАГАН ТИШЛАМАЙДИ, ДЕЙИЛГАН-КУ...

Россиянинг Челябинск вилоятидаги Аргаяш қишлоғида уч кишидан иборат оила кейинги бир неча ой давомида оч-наҳор кун кечириб келган. Оқибатда, оила бошлиғи вафот этди, унинг озиб-тўзиб кетган хотини ва қизи касалхонага жойлаштирилди.

Маълум бўлишича, оила аъзолари қозоғистонлик муҳожирлар бўлиб, 1993 йилда Россияга кўчиб келишган. На эр, на хотин муқим иш билан шуғулланмаган, оила бошлиғининг магия билан шуғулланиб топган маблағи эвазига кун кечиришган. Ўтган йилнинг охирига келиб, оила рўзғорида бирон егулик қолмаган. 2008 йил 2 декабрь куни эр-хотин ва қиз кўча эшигини тамбалаб қўйишган. Шу йилнинг 18 февралигача, яъни ҳудуд милиционери бу уйдаги жимжитликдан хавотирланиб, қутқарувчиларни чақирмагунича ҳеч ким остона ҳатлаб кўчага чиқмаган. Қутқарувчилар очликдан силласи қуриган бу кишиларни тезлик билан касалхонага элтганлар. Шифокорларнинг саъй-ҳаракатига қарамай, оила бошлиғи вафот этган.

▲ "Lenta.ru" маълумотлари асосида тайёрланди.

Ўзбекитон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги делегацияси қарийб бир ҳафта давомида Россиянинг Москва шаҳри ва вилоятида бўлиб, икки мамлакат ўрмон хўжалиги идоралари ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш истиқболларини ўрганди.

ЎРМОНЧИЛАР ТАЖРИБА АЛМАШИШМОҚДА

Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги вазири ўринбосари, Ўрмончилик хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи Собиржон Эргашев раҳбарлигидаги юртимиз делегациясининг Россия Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ўрмон хўжалиги федерал агентлиги раҳбари Алексей Савинов билан учрашуви давомида ўрмон хўжалиги соҳасидаги икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришнинг долзарб масалалари борасида фикр алмашилди.

Россия Ўрмон хўжалиги федерал агентлиги раҳбари ўринбосари Борис Большаков раҳбарлик қилган делегация билан ўтказилган йиғилишда эса Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро дастур доирасида 2012 йилгача бўлган давр мобайнида биргаликда амалга ошириладиган тадбирлар режаси атрофлича муҳокама қилинди. Йиғилишда икки мамлакат ўрмон хўжаликларининг ҳозирги аҳволи ва уларни ривожлантириш режалари, ҳамкорликнинг асосий йўналишлари кўриб чиқилди. Ўрмон хўжалиги соҳасидаги ҳамкорлик имкониятлари анчайин кенг бўлиб, у ўз ичига ўрмон кадастри ва ўрмонларни ободонлаштириш, дарахт ва бута турларининг уруғларини алмашиш, ўрмонларни қайта тиклаш ва қўриқлаш фаолияти, ўрмон хўжалиги соҳасининг барча тармоқлари учун кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш каби йўналишларни қамраб олади.

Ташриф доирасида мамлакатимиз делегацияси аъзолари «Авиалесоохрана» ҳамда «Рослесозащита»-федерал унитар муассасалари фаолияти билан танишди. Шунингдек, Москва вилоятидаги «Рослесинфорг» ва «Центрлеспроект» федерал унитар корхоналари, Россия Ўрмончилик ва ўрмон хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институтида ҳам учрашувлар ўтказилди. "Правда" ўрмон хўжалиги билим юртида эса вакилларимиз мазкур ўқув даргоҳидаги таълим жараёни ва ўқув дастурлари билан танишдилар.

Учрашувлар якунида соҳа вакилларининг ҳамкорлик кўламини кенгайтиришга қаратилган қўшма тадбирларнинг ўтказилишини назарда тутувчи муҳим ахдлашувларга эришилди.

«Жаҳон» АА.

Москва

Алоқа хизмати яхшиланмоқда

"Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг Қорақалпоғистон филиали — "Қорақалпоқтелеком" жамоаси аҳолига қулай ва сифатли хизмат кўрсатиш йўлида самарали меҳнат қилаётир.

2008 йил давомида аҳолига алоқа хизмати кўрсатиш режаси 102,5 фоизга бажарилди. Электрон АТСларнинг қўшимча хизмат турларидан фойдаланувчи мижозлар сони қарийб 50 минг нафарни ташкил этди.

2009 йилда 22 та қишлоқ алоқа телефон станциясини рақамли Эл СГМ станциясига алмаштириш мўлжалланмоқда.

СУРАТДА: *оператор Гулжаҳон Раҳимова.*
Арслон КАННАЗАРОВ (ЎзА) олган сурат.

Қорақалпоғистон Республикаси

"Ўзагросуғурта" ДАСКнинг Сирдарё вилояти дирекциясида саккизта туман, 2 та шаҳар бўлими мавжуд бўлиб, аҳоли ва ташкилотларга 60 дан ортиқ суғурта хизматларини кўрсатиб келмоқда.

СУҒУРТА ҚИЛДИРГАННИНГ ҚЎЛИ ҚУРУҚ ҚОЛМАЙДИ

Корхоналар, аҳоли мол-мулкини, транспорт воситаларининг зарарларини олдини олиш, йўлдаги мол-мулкни, қишлоқ хўжалиги экинларини, ҳайвонларни, боғ ва узумзорларни кредитга ёки лизингга олинаётган мол-мулкни комплекс суғурта қилиш, ипотека кредитини суғурта қилиш каби хизмат турлари шулар жумласидандир.

– Бўлимларимизда шартнома асосида ишлаётган суғурта агентларимиз бор, – дейди "Ўзагросуғурта" Сирдарё вилояти дирекцияси директори Иномжон Таниқулов. – Қишлоқ жойларида ҳар бир маҳалла аҳолисини, уй-жойини, молу мулкини суғурта қилдиришга алоҳида эътибор бермоқдамиз.

Ўтган йил давомида суғурта тушумлари бўйича маълум ишлар амалга оширилди. Йиллик режадаги 576414,7 минг сўм ўрнига 584974,4 минг сўм суғурта мукофотлари тушумлари таъминланди. Жумладан, қишлоқ хўжалик суғуртаси бўйича 330597,1 минг сўм, аҳоли суғуртаси бўйича 115250,2 минг сўм ва бошқа турлар бўйича 139012,1 минг сўм суғурта тушумлари тушди.

"Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги Қонунининг қабул қилиниши аҳоли ижтимоий ҳимоясини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этаяпти. Ўтган даврда ташкилот автоуловларидан 11888,4 минг сўм ва жисмоний шахслар автоуловларидан 10770 минг сўм, жами бўлиб, 22658,4 минг сўм суғурта мукофотлари тушумига эришдик.

Транспорт воситалари эгалари фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғуртаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасинииг 2008 йил 24 июндаги қарори бўйича жами бўлиб, 13457,6 минг сўм суғурта мукофотлари тушуми таъминланди, шундан юридик ташкилотлар бўйича 8865,7 минг сўм ва жисмоний шахслардан 4591,9 минг сўм суғурта мукофотлари тушумини таъминладик.

"Ўзагросуғурта" давлат акциядорлик суғурта компаниясининг Сирдарё вилояти дирекцияси ва унинг жойлардаги тизим, ташкилотлари томонидан қишлоқ хўжалик корхоналарининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Имтиёзли кредит суғуртаси бўйича тижорат ва тизим банклари билан ғалла етиштириш учун бериладиган кредит маблағлари суғуртаси бўйича Бош полис шартномалари тузилди. Уларга асосан тижорат банклари томонидан фермер хўжаликлари кредит шартномалари суғуртаси учун режадаги 15200 минг сўм ўрнига 16639,9 минг сўм суғурта мукофоти тушириб, режа 109,5 фоизга бажарилди. Шундан ғалла бўйича 2616,7 минг сўм, пахта бўйича 14023,2 минг сўмлик суғурта мукофоти тушуми таъминланди.

Имтиёзли кредит суғуртаси бўйича 2008 йил давомида жами бўлиб 58 та фермер хўжаликларига 128834,6 минг сўм суғурта товон пуллари фермер хўжаликлари учун аниқланиб, тўлиқ ҳажмда тўлаб берилди. Шундан ғалла суғуртаси бўйича 12 та фермер хўжалиги учун 27565,1 минг сўм, пахта суғуртаси учун 46 фермер хўжалигига 101269,1 минг сўм тижорат банкларига фермер хўжалиги томонидан қайтарилмай қолган кредит маблағлари тўлаб берилди.

Фермер хўжаликлари экинлари, ғалла, пахта, боғ-узумзорлари ва бошқа экинлари ихтиёрий суғуртаси бўйича йиллик режадаги 181035 минг сўм ўрнига 294674,8 минг сўм суғурта мукофотлари тушуми таъминланди ёки 162,8 фоиз бажарилди. Ўтган йил фермер хўжаликларига, табиий шароит туфайли кам ҳосил олган мижозларга суғурта товон пуллари тўлаб берилди. Аҳоли суғуртаси режадаги 206761,8 минг сўм ўрнига 115250,2 минг сўмга таъминланиб, режа 55,7 фоизга уддаланди, шартномаларнинг умумий сони 65914 тага етказилди. Мактаб ўқувчиларини бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш ишлари бўйича режадаги 24010 минг сўм ўрнига 34632,5 минг сўмга таъминланиб, режа кўрсаткичи 144,4 фоизга бажарилди, амалдаги шартномалар сони 43547 тага етказилди.

Соҳа вакиллари "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"да ҳам қишлоқ хўжалиги корхоналари ва аҳолига суғурта хизмати кўрсатиш кўламини кенгайтириш ҳамда унинг сифатини яхшилаш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширишмоқда.

Жамоада ишнинг кўзини биладиган, тажрибали мутахассислар кўп. Сирдарё тумани бошқарувчи-менежери Абдуҳофиз Шодиев кўп йиллардан бери шу соҳада ишлаб келади. Унинг иш тажрибасини ўрганса арзийди. Гулистон шаҳри бошқарувчи менежери Эркин Бўриев йиллик режасини 288 фоизга бажаришга эришди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, у ишлаётган бўлим банклар билан ҳамкорлик қилишда тажриба орттирган.

Бир сўз билан айтганда, ушбу хизмат ташкилоти мижозлари мамнунлигини яширишмайди. Буни Оқолтин туманидаги "Тожен", "Бекдавлат" фермер хўжалиги, Сардоба тумани "Ҳумо парвози сари", "Баҳодир" фермер хўжалиги раҳбарларининг эътирофидан ҳам кўришингиз мумкин.

Шомурод ХОЛМУРОДОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.

Сирдарё вилояти

Хизмат

Зовур тозалиги замин соғлиги

Мелиорация

"Нишонсувмахсуспудрат" ДУК мелиораторлари Қарши туманидаги Қоратепа қишлоғи ўртасидан ўтган 26,4 километрлик зовурда тозалаш ишларини олиб боришмоқда. Жорий йилнинг январь ойидан буён 15 километрдан ортиқ иш бажарилди.

Техника кучидан унумли фойдаланиш иш қўламини кенгайтирмоқда. Бунёдкорлар кунига 5,5-6 минг кубометр тупроқ ишларини бажармоқда. Нурлан Туқсонов, Музаффар Тожиев, Мусурмон Мўминов, Ҳамид Максимов, Очил Киржигитов сингари механизаторлар замонавий техникаларни моҳирлик билан бошқаришаётир.

– Кўп йиллардан буён ушбу зовур тозаланмагани боис экин майдонларининг ер ости сувлари кўтарилиб, ташвишимизни кўпайтираётган эди. Ушбу хайрли иш бошлангач, биз ҳам "ҳорманг"га чиқдик, – дейди Қоратепа қишлоғилик отахон Эргаш бобо Абдуазизов. – Айни пайтда зовурнинг тозаланган қисми орқали сизот сувларнинг чиқариб юборилаётганлиги ер дардига малҳам бўлинаётганидан дарак бермоқда.

Хусан ТЕМИРОВ

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Қашқадарё вилояти

МАТБУОТ АНЖУМАНИ МАВЗУСИ — ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ

Яқинда Навоий шаҳрида "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш борасида амалга оширилган ишлар ва келажакдаги режалар" мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган ушбу анжуманда суд, адлия, ҳокимлик, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, биргина ўтган йил давомида вилоят адлия бошқармаси томонидан 2469 та турли мавзудаги хатлар ва ҳужжатлар ўрганилди. Ўрганиш давомида баъзи фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди, айримларининг талаблари тўлиқ қондирилди. Шунингдек, мурожаатларга биноан 9621 қонун бузилиш ҳолатлари аниқланиб, жавобгар шахсларга нисбатан қонуний чоралар қўлланилди.

Баҳс ва мунозараларга бой кечган ушбу матбуот анжуманида журналистларнинг ҳуқуқий кўникмаларини оширишга мўлжалланган тренинг машғулотлари ўтказишга ҳам келишиб олинди.

Баҳриддин САДРИДДИНОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Навоий вилояти

Кўнглимидаги ГАПЛАР

Халқимиз ўртасида асрлар оша ўз қимматини йўқотмасдан келаётган "Қари билганни пари билмайди" деган мақол бежиз айтилмаган. Ҳақиқатан ҳам, кўпни кўрган, ҳаётнинг турли синов ва машаққатларидан ўтган донишманд кексаларнинг сўзларида ёшларимиз учун ибратли фикр ва маънолар кўп.

Сурхондарё вилоятининг Шўрчи шаҳрида истиқомат қиладиган Мамасоат Умаров ҳам ана шундай катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган ҳурматли отахонларимиздан биридир. У кўп йиллар давомида эл-юртимизга сидқидилдан меҳнат қилиб, ҳозирги кунда ҳам ҳаётимиздаги ўзгаришларни диққат билан кузатиб, уларнинг маъно-мазмуни ва аҳамияти, мамлакатимизнинг бой тарихи, бетакрор табиати, миллий қадрият ва анъаналаримиз ҳақидаги фикрлари билан ёшлар тарбиясига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Қуйида М.Умаровнинг маънавий ҳаётимизга оид фикрлари эътиборингизга ҳавола қилинмоқда.

Яхши эслайман, 1993 йилда хизмат тақозоси билан Қарши шаҳрига илмий йиғилишда қатнашиш учун борган эдим. Қарши Давлат университети биноси олдидаги майдончанинг кўринарли жойига "Биз мустақилликни ўз жонимиз ва қонимиз билан ҳимоя қиламиз" деган лавҳа ёзиб қўйилган экан. Мен уни ўқиб, бу ниҳоятда қудратли маънога эга эканини ичимдан ҳис қилдим. Бу сўзлар худди менинг кўнглимдаги сўзлар эди.

Тўғри, биз бундай сўзларни жуда кўп эшитамиз. Лекин ўша лавҳадаги сўзлар менга жуда қадрли эди.

* * *

Ўтган асрнинг 40- ва 50-йилларида микрофон ва бошқа техник воситаларнинг йўқлиги ҳамда етишмаслиги туфайли бўлса керак, саҳнада роль ўйнаётган актёрлар иложи борича бор кучи билан бақириб, бўғиқ овозда роль ўйнашган. Ҳозирги даврда микрофонлар ва бошқа техник воситалар кўп бўлишига қарамай, айрим ижрочиларнинг саҳнада баланд овоз билан гапиришдан бўғилиб, қизариб кетиши кишини ажаблантиради. Ролларни эркин ва табиий ижро этишга нима етсин.

* * *

Баъзи киноларда актёрларнинг юз бераётган даврга қараб кийинишларига, уларнинг гримларига яхши эътибор берилмайди. Ўтган асрларда яшаб ўтган одамларимиз образига кирган актёрларнинг сочлари баъзан қулоқ ёки салла тагидан елкасига тушиб кўринган тургани томошабиннинг ҳафсаласини пир қилади. Негаки, мусулмончилик аҳкидаларига амал қилган халқимиз ўртасида узун соч қўйиб юриш одат бўлмаган.

* * *

Улуғ ёзувчимиз Абдулла Қодирийнинг "Ўтган кунлар" романи асосида яратилган кинофильмни биринчи бор кўрганимда хурсандчилигимдан: "О, яратса бўлар экан-ку", деб юборган эдим. Бу фильм жуда ҳаётий ва ишонарли қилиб яратилган. Ундаги ҳар бир ҳаракат, кийиниш, от-уловларда юриш, воқеа-ҳодисалар бўлаётган жойлар, айниқса образлар жуда ҳаётий.

Умуман, 60-йилларда "Маҳаллада дув-дув гап", "Ёр-ёр", "Тошкент нон шаҳри" каби яхши фильмлар яратилган. Лекин ҳозирги пайтда кино асарларимиздаги енгил-елпи, бачкана ҳаракатлар, бўлар-бўлмасга шевада гаплашишлар кишининг ғашига тегади.

* * *

"Заковат" телекўрсатуви учун юборилаётган саволларнинг аксарияти илмий, тарихий манбаларга асосланган бўлмай, балки фаразларга асосланган учун иштирокчилар чалғиб қолишади. Ўтган ўйинларнинг бирида иштирокчиларга "Қадимги Юнонистоннинг Афина шаҳрида одамлар нима учун уйга кираётганда ҳам, уйдан чиқаётганда ҳам кўпа эшикни тақиллатишган?" деган савол берилди. Жавоб бундай эди: "Кўчаларнинг торлиги сабабли ичкаридаги одам кўчадаги одамларни огоҳлантириш учун эшикни тақиллатиб, кейин ташқарига чиқар экан. Хўш, бу бирор манбага асосланган саволми? Агар у илмий асосланган бўлса, савол юбораётган одам у қайси китобда қайд этилганини кўрсатиши лозим эди. Кўчалар тор бўлса, кўчада қатнов тирбанд бўлиб турган пайтда одамлар ичкаридаги тақиллатишга эътибор беришадими? Уй эгалари муаммони ечишнинг осон йўлини топиб, нима учун уй эшикларини ичкарига очилиб-ёпиладиган қилиб қўяқолишмади экан?!

Яна бир ўйинда "Деҳқоннинг қўли, спорт югурувчисининг оёғи ости қаваради, қандай касбдаги кишиларнинг қулоғининг орқаси қаваради ёки қораяди?" деган савол берилди. Жавоби: дурадгорлар иш давомида қулоғига қаламни қистириб қўявериши натижасида қулоғининг орқаси қаварар ёки қораяр экан.

Ўтган бир ўйиндаги ёнғоқ тўғрисидаги савол ҳаммасидан ҳам ошиб тушди. Она тўрт бола туғиб ўлар экан. Она — ёнғоқ пўстлоғи, боласи эса — мағзи экан.

Кўп ҳолларда саволнинг жавоби қарийб топилган пайтларда ҳам бошқарувчи томонидан йўққа чиқарилади.

* * *

Мутахассислар ёки журналистлар, бошловчилар телевиденидаги чиқишларида: "Дон ва дон маҳсулотлари" деган иборани ишлатади. Мен бунга қўшиламан, чунки дондан, ҳақиқатан ҳам маҳсулот олинади. Яна "ун ва ун маҳсулотлари" деган ибора ҳам бор. Бунга ҳам қўшиламан. Лекин улар баъзан ишлатадиган "нон ва нон маҳсулотлари" деган иборани ҳеч тушунмайман. Ўзингиз ўйланг, пиширилган, тайёрланган нондан қандай маҳсулот олиш мумкин?

* * *

Айрим журналистларимиз "Ўзбекистон теле-радио канали", "Ёшлар теле-радио канали" дейишади. Тўғри, Ўзбекистон телерадиокомпанияси битта, яъни улар бир компанияга бўйсинади. Лекин телевидение канали билан радио каналлари алоҳида-алоҳида айтилса бўлмайдими? Баъзилари "Ёшлар радио канали" дейиш ўрнига "Ёшлар канали" дейишади. Билмаган одам "Ёшлар чўмиладиган канал ҳам бор экан-да", деган хаёлга бориши мумкин.

* * *

Кани эди, телевидение орқали навбати билан дунёдаги турли давлатларни: тарихий ва кўркам шаҳарлари, тарихий обидалари, музейлари, табиати, дарёлари, тоғлари, экинзорлари, дунё халқларининг турмуш тарзи кўп серияли қилиб кўрсатиб борилса. Ёшларимизнинг дунёқарашини ўстиришда бунинг аҳамияти катта бўларди.

* * *

Четдан кириб келаётган нарса, предмет агар у аввал бизда бўлмаган бўлса, бизда ишлатилмаган бўлса, ўз номи билан кириб келади. Масалан, фермер, коллеж, банк ва ҳоказо. Шулар орқали тилимизнинг луғавий бойлиги ортади. Ҳозирги вақтда рус тилида уч мингдан ортиқ туркий сўз ишлатилади. Шунинг учун четдан кириб келадиган янги тушунчаларни сунъий равишда ўзбекчалаштиришга уринишлар ўзини оқламайди.

* * *

80-йилларнинг бошларида меҳнат жамоамиз вакиллари билан бирга Бухоро ва Самарқанд шаҳарларига саёҳатга бордик. Тарихий биноларни томоша қилар эканмиз, мен кўриб улгурмасимданоқ ёнимдаги ҳамроҳларимнинг учинчи, тўртинчи хонагача ўтиб кетганига ҳайрон қолдим. Бу мўътабар шаҳарларга боришдан, хоналарга киришдан мақсад нима? Ҳамроҳларимизнинг кўпчилиги бу саволларга жавоб беришни хаёлларига ҳам келтирмас, тарихий мўъжизаларни номигагина кўриб ўтарди, холос.

Мен ҳам шошилиб (ҳамроҳларимдан ажралиб қолмаслигим керак эди), кўп нарсаларни бемалол кўролмадим.

* * *

Жонажон Ўзбекистонимизнинг тарихий обидаларини, мустақиллик даврида барпо этилган кўркам, муҳташам биноларини, Тошкентимизнинг барча музей ва театрларига киришни орзу қиламан ва Аллоҳдан шуни сўрайман.

* * *

Ўзимизда (айниқса, қишлоқ жойларда) меҳмонга борсангиз, гиламнинг устига дастурхон ёзишади. Ҳолбуки, бу гиламлар устида ювилган ёки ювилмаган оёқда юрилган. Айниқса, ёш болалар кўчада ўйнаб, терлаган оёқлари билан гиламларни босади. Бунинг устига кўпчилик хонадонларда ичкари ва ташқари хоналар битта супурги билан супурилади. Натижада, ички хоналарга турли ифлосликлар кириб келади. Овқат еб бўлингач, дастурхонни ўраш, йиғиштириш пайтида ёки дастурхонни қайта тўшашда иккинчи томони тўшаб юборилиши натижасида супурги орқали келган ифлосликлар дастурхондаги нон ва турли ноз-неъматларга ҳам юқиши мумкин. Шунинг учун ичкари ва ташқарида ишлатиладиган супургилар алоҳида-алоҳида бўлиши керак. Иложи борича, ҳар бир хонадонда дастурхон ёзиш учун хонтахта бўлиши зарур.

Чой келтирганда беш-олти ёки ўнталаб пиёлани бир-бирига қалаштириб олиб келишади. Пиёлалардан бири билан чой қайтарилгач, қолган пиёлаларда чой узатилади. Буни кўриб, чой узатаётган кишига, кўнглига тегиб бўлса-да, "Пиёлаларни яна бир қайта чайқасангиз бўларди-ку" деймиз. У эса "Пиёлалар ювиб келтирилган-ку", деб ранжиб жавоб беради. Тўғри, пиёлалар ювилган, лекин ким билади қандай ювилган? Ички томони ювилган бўлса ҳам, ташқи томони яхши ювилмагандир, чала ювилгандир ёхуд умуман ювилмагандир. Ахир, пиёлалар ҳар хил тоза, нотоза жойларда туради. Ташқи томони ёки таги чала ювилган ўнталаб пиёлани бир-бирига қалаштириш натижасида биринчи пиёланинг ташқи томонидаги ва тагидаги кирлар сув орқали эзилиб, иккинчи пиёлага ўтади, иккинчи пиёланинг кирлари учинчи пиёлага ўтади ва қарабсизки, барча пиёлалар қайта ифлосланади. Шунинг учун пиёлалар қандай ювилганидан қатъи назар, иссиқ чой билан яна бир қайта чайиб, кейин одамларга чой узатилса, яхши бўларди.

Худди шунингдек, овқатни сузиш олдидан косаларни алоҳида-алоҳида чайқаб, кейин овқат сузиш зарур.

Кўпгина хонадонларда нон ва озиқ-овқатлар учун тўшаладиган дастурхонлар бошқа кирларни ювишда ишлатиладиган тоғораларда ювилади. Кир ювиш машиналари ишлатилмайдиган хонадонларда дастурхонларни ювиш учун алоҳида идиш ажратиш ва уни тоза, покиза жойларда сақлаш керак. Дастурхонларни ювиш учун ишлатиладиган совунлар ҳам бошқа кирларни ювишда ишлатилмасдан, балки алоҳида бўлиб, уларни ҳам алоҳида жойларда сақлаган маъқул.

Айни пайтда эрталаб ювинганда артиладиган, овқатдан олдин ва қўшимча ҳолатда қўл ювишда ишлатиладиган, овқатдан кейин қўл артадиган сочиқлар алоҳида-алоҳида бўлганига нима етсин.

Ҳар бир оила аъзосининг кийимлари алоҳида илиб қўйилиши, ички кийимларни ташқи кийимларга ҳеч қачон аралаштириб юбормасдан, алоҳида сақлаш лозим. Чўнтақдаги дастрўмолча ҳам ками билан иккита бўлиши лозим.

Инсон учун дазмолнинг аҳамияти жуда катта. У кийимларни текислаш билан бирга, турли зарарли бактерияларни ўлдиради. Ювилган кийимларни ағдариб, уларнинг астарини, айниқса, тикиш чокларининг тагларини қайтариб яхшилаб дазмоллаш зарур.

Умуман олганда, бу мавзуда кўп гапириш мумкин. Озиқ-овқатларни, уйрўзғор буюмларини сақлаш гигиенаси, уйнинг ички ва ташқи томонларини тоза ва озода сақлаш, меҳмон кутиш ёки кузатиш тартиб-қоидалари, кийиниш тартиби ва этикаси, одамларимизнинг меҳнат қилиш, дам олиш, ўзаро бир-бирлари билан муомала маданияти, меҳмондўстлик фазилатлари, ахлоқ-одоб қоидалари ва тартиблари, миллий урф-одатларимиз, удумларимиз, тўй-томошалар ўтказиш удумлари ва тартиблари тўғрисида ёзилса, каттагина бир дастурий қўлланма пайдо бўлади. Бу қўлланма эса умумий таълим мактабларида, махсус ўқув юртларида, олий ўқув даргоҳларида ёшларимизга ўргатилса, яхши бўлар эди.

* * *

Узоқ йиллар ўйлаб, мулоҳаза қилишимча, кўпинча ёшликда қийинчиликда ўсганлар орасидан истеъдодли инсонлар кўпроқ етишиб чиққан. Яқин тарихимизга назар солайлик. Улуғ ёзувчиларимиз, шоирлар, рассомлар, олимлар, санъаткорларнинг кўпчилиги очарчилик, қимматчилик, уруш ва қаҳатчилик, қатағон йилларида ўсиб-улғайган ёки ижодини бошлаган. Бинобарин, замоннинг ўзи одамларни шакллантириб, ҳаёт чиғириқларидан ўтказиб борар экан. Бу ҳолни ҳозир ҳам кўрамиз. Ўрнидан туролмай ётган оғир хасталар, кўзи ожизлар орасида ҳам кўплаб истеъдодли инсонлар бор.

Моддий ресурслари кам давлатлар (Япония, Корея каби мамлакатлар) таълим-тарбияга катта эътибор бергани учун бугунги кунда жаҳоннинг ривожланган давлатлари қаторидан жой олганини биламиз.

* * *

Айрим кишилар чўнтагига мўмай пул туша бошласа, ҳовлини тўлдириб иморат солади. Оилада фарзандлари кам бўлишига қарамай, ўн, ўн икки хона қилиб, иложи бўлса, икки қаватли қилиб уй қуради. Хоналарга тоза ҳаво кирмасдан, дераза-ромлар узоқ йиллаб очилмайди. Қанчалик сўнгги замонавий мебеллар билан безамасин, барибир одамларнинг кам кириши натижасида улар чанг босиб ётади. Ўргимчаклар тўр қўйиб, совуқ ва файзсиз бўлиб қолади. Тўғри, аввалига мақтаниш, кўз-кўз қилиш учунгина бир-икки бор тозалаб, артиб турилади. Хоналар ва мебелларнинг кўплиги, тозалаш ишларининг оғирлиги сабабли бора-бора уй бекасининг ҳам бундан ҳафсаласи пир бўлади. Иккинчи қаватдаги хоналарга кириш, уларни вақти-вақти билан тез-тез тозалаб туриш ҳақида эса гапирмай қўяқолайлик.

Бекорчи хоналар билан ҳовлини тўлдирмасдан, олтиндан қиммат бўлган ерга витаминга бой мевалар, кўкатлар экиб, улардан болаларни бахраманд қилган дуруст эмасми?

Кўплар бундай катта уйларни ўғилларимга бўлиб бераман, деб қуришади. Уйни ўғилларига тенг қилиб, иккига бўлиб беришади. Лекин бир ҳовлида икки келин кўпи билан беш-олти йил тинч яшайди. Болалари катта бўла бошлагач, ҳовли торлик қилиб қолади. Бола-да, ака-укаларнинг фарзандлари ёшлик қилиб, арзимаган нарсаларга талашиб, аразлашиб, жанжаллар чиқара бошлайди. Оталари уларнинг ўртасига туша бошлайди. Натижада, акаука ўртасига ҳам совуқлик тушади. Қарабсизки, нотинчлик бошланади.

* * *

Айримлар уйнинг ташқи томонини қорамтир рангли декоратив суваб қилишади. Бу ҳам камдек, уй орқасидаги, яъни кўча томондаги темир панжараларни ҳам қоп-қора рангга бўяшади. Қарабсизки, уйни кўриб кайфиятингиз бузилади. Шунинг ўрнига уйнинг ташқи томони сал очиқроқ рангда, дейлик, оқишроқ рангда суваб қилинса, кўча панжаралари ҳам иложи борича оппоқ ранг билан бўялса, қандай яхши бўларди. Баланд, баҳаво уйни кўриб, кайфиятингиз кўтариларди. Албатта, одамда катта пул бўлиши билан бирга, етарлича маънавият ҳам бўлиши керак экан.

Мамасоат УМАРОВ.

Сурхондарё вилояти Шўрчи шаҳри

Божхона

Айланма йўлда "адашганлар"

Республикамиз божхоначилари нақд хорижий валюталар ва заргарлик буюмларининг юртимиз чегаралари орқали ноқонуний равишда олиб ўтилишининг олдини олиш борасида қатор чора-тадбирларни амалга оширишмоқда.

Жумладан, Қирғизистон фуқароси Б.Юлдашев айланма йўллардан юрса-да, барибир божхоначиларга дуч келди. Унинг эгри йўлни танлашига "эгри" сабаблари борлиги маълум бўлди. Чунки у тўхтатилиб текширилганда, ўзи билан 5100 АҚШ доллари, 16 минг қирғиз соми ва 105 минг миллий валютамиз – сўмни яширинча олиб чиқиб кетишга уринган экан.

Фуқаро Ф.Юлдошев ҳам Самарқанд аэропортида кўзлаган режасини якунига етказа олмади. Хориждан учиб келган ушбу шахс божхоначилар кўзини шамғалат қилиб, 9400 АҚШ долларини баённомада кўрсатмасдан, осонгина олиб ўтаман, деб ўйлаган эди. Аммо у қўллаган найранг божхоначиларга ўтмади.

Россияга учишга отланган Ш.Гулхаров ва Б.Абраевларнинг "тадбир"лари эса бир хил якун топди. Тошкент халқаро аэропорти божхоначилари уларни жами 95 500 Россия рублини баённомада кўрсатмасдан олиб чиқишга уринганларида тўхтатиб қолишди.

Тошкент вилояти божхона бошқармаси ходимлари томонидан У.Каликулова тўхтатилиб, божхона назоратидан ўтказилди. Натижада, у 3 минг АҚШ доллари ҳамда қиймати 2 миллион 250 минг сўмдан ошадиган, оғирлиги 65 граммга яқин 10 дона тақинчоқларни қўшни республикага яширинча олиб чиқишга уринганлиги аниқланди.

Ҳозирда юқоридаги қонунбузарлик ҳолатлари юзасидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Давлат божхона қўмитаси
Матбуот хизмати

Маданият хабарлари

"Кўзгуда қишлоқ ҳаёти"

БУХОРО ВИЛОЯТИ халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази фотогалереясида Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан ҳаваскор фотосуратчиларнинг "Кўзгуда қишлоқ ҳаёти" мавзуидаги кўргазмаси очилди.

Унда қишлоқлар тарихи ва уларда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари, миллий урф-одат ва анъаналаримиз ёрқин акс этган фотоасарлар намойиш этилди. Биринчи ўрин соҳиби Алишер Асадов фотокўргазманинг шу йил пойтахтимизда бўлиб ўтадиган республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Элёр Норматов иккинчи, Ҳасан Бозоров учинчи ўринга сазовор бўлди.

Ёшлар огоҳликка чорланди

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ Охунбобоев тумани марказий маданият уйида вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамда бўлими, туман ҳокимлиги, туман прокуратураси ҳамкорлигида ёшларни иш билан таъминлаш, одам савдосининг олдини олиш мавзуидаги тадбир бўлиб ўтди.

Унга коллеж ва мактаб битирувчилари, доимий иш жойига эга бўлмаган ёшлар таклиф этилди. Тадбир доирасида ташкил этилган "Бир келиб кетинг қишлоғимизга" ярмарка-фестивалида маҳаллий ҳунармандлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмаси намойиш этилди.

Туманда фаолият кўрсатаётган бадиий жамоалар ва марказий маданият уйи қошидаги "Кабутар" фольклор-этнографик дастасининг чиқишлари, долзарб мавзуларда тайёрланган саҳна кўринишлари барчага манзур бўлди.

Мухтасархон КАРИМОВА,
Ҳусан БУРХОНОВ,
Маданият ва спорт ишлари вазирлиги мутахассислари.

"КОСОН ДОН" МЧЖнинг

2008 йил якунига бағишланган умумий йиғилиши 2009 йил 26 март куни соат 15.00 да жамиятнинг маъмурий биносида ўтказилади.

Масъулияти чекланган жамиятнинг умумий йиғилиши кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

1. Бошқарувнинг 2008 йил молиявий-хўжалик фаолияти бўйича ҳисоботи ва йиллик бизнес режанинг бажарилиши.
2. Жамиятнинг 2008 йил молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ташқи аудит хулосаларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.
3. Ташқи аудитни белгилаш.
4. Жамият тафтиш комиссияси ҳисоботини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг бухгалтерия баланси, 2008 йил давомидаги фойда ва зарарлари тўғрисидаги йиллик ҳисоботи ҳамда уни тасдиқлаш.
6. Жамиятнинг 2008 йил якуни бўйича олган фойдасини тақсимлаш ва унинг миқдорини тасдиқлаш.
7. Жамиятнинг 2009 йил учун тузилган бизнес режасини тасдиқлаш.
8. "Муборак дон" ОХЖдан ўтиб қолган 35 000 000 (ўттиз беш миллион) сўмлик камомадни фойда ҳисобидан қоплаш.
9. Жамият бошқарув кенгашига ўзгартиришлар киритиш ва унинг янги таркибини қайта сайлаш.
10. Жамият директори К.Хўжаёров билан меҳнат шартномасини узайтириш.

"Косон дон" МЧЖ Бошқаруви кенгаши.

Манзил: Қашқадарё вилояти, Косон шаҳри, Темир йўл шоҳбекати.

Тел/факс: 8-375-775-77-68.

ООО "PARFYUM AROMA-SQ", сообщает об уменьшении Уставного фонда с 53 310 230 сум до 43 470 000 сўм. Тел.: 314-20-21.

Утерянный аттестат O'R-SH № 0480407, выданный 2006 г. Янгиюльского района Ташкентской обл. на имя Ахмедова Бахадира Бахтияровича, считать недействительным.

Утерянный аттестат о среднем образовании АО № 009693, выданный 1995 г. ср.шк. № 238 Акмал Икрамовского (ныне Учтепинского) района г.Ташкента на имя Мавлютовой Эльвиры Эмильевны, считать недействительным.

Тошкент вилояти Қибрай тумани ҳокимлигининг 9.05.2000 йили 193-сонли қарори билан рўйхатдан ўтган "XALQ UCHUN SERVIS" масъулияти чекланган жамияти шаҳодатномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани ҳокимияти тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан рўйхатга олинган "DAVR SHAMS JIHOZ" масъулияти чекланган жамиятининг "JIHOZ SHAMS" масъулияти чекланган жамиятига бирлашиши муносабати билан даъволар 155-38-78 телефони орқали қабул қилинади.

"TEXNOFAYZ SERVIS" (ИНН 205383869) масъулияти чекланган жамияти ҳисоб-китоб, бухгалтерия ҳисоботлари ва ҳужжатлари йўқолганлигини маълум қилади.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани ҳокимининг қарори билан рўйхатга олинган "BROKER GROUP PLUS" хусусий корхонасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли "BROKER GROUP PLUS" масъулияти чекланган жамиятига ўзгармоқда. Таъсисчининг қўшилиши муносабати билан даъволар 505-60-20 телефони орқали қабул қилинади.

"NUR-BAJAXU" қўшма корхонасига 28.07.1993 йилда берилган 675 рақамли гувоҳнома ва "NUR-BAJAXU" қўшма корхонасининг бурчак штампи йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Давлат қўмитаси томонидан 3.12.2008 йили Махфуза Кабиловна Камиловага берилган № 178-38 рақамли маълумотнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Акмал Икромов (ҳозирги Учтепа) тумани халқ таълими бошқармасига қарашли 62-кечки мактаб томонидан 1989 йили Махамадханов Аброр Ахмадович номига берилган № 794604 рақамли 11-синфни тугатганлиги тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянный патент 0403316, выданный 24 декабря 2007 г. на ЧП "Мирабдазизова М.К." (ИНН 401114296), считать недействительным.

Утерянный аттестат о среднем образовании O'R-B № 0118939, выданный 23 июня 2003 г. ср.шк. № 164 Чиланзарского района г.Ташкента на имя Максименко Елены Владимировны, считать недействительным.

ДП "MEHNAT HALOL" (ИНН 203106760) Хамзинского района г.Ташкента и ДП "MURUVVAT SAHOVAT SARI" (ИНН 204803487) Хамзинского района г.Ташкента сообщает о слиянии и преобразовании в ДП "MEHNAT HALOL". ДП "MEHNAT HALOL" является правопреемником вышеуказанных ДП. Претензии принимаются по тел.: 298-18-53. Юридический адрес преобразованной организации: г.Ташкент, Хамзинский район, ул.З.Шамсутдиновой, 2 проезд, 15 А.

ООО "ROYAL BIZNES" (ИНН 204551564, ОКОНХ 71150), Хамзинского района г.Ташкента, ликвидируется. Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по адресу: ул.Фаргона йўли, 15. Тел.: 291-91-44.

ООО "DAIL STAR" (код по ОКПО 22010051, ИНН 300516764), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского района г.Ташкента, расположенное по адресу: 1-пр Машраб 79, (протокол собрания № 01 от 01 января 2009 г.) ликвидируется. Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления. Тел.: 217-07-01, 738-18-17.

ООО "AHIL DUGONALAR" (ИНН 205815234), зарегистрированное решением хокима Хамзинского района г.Ташкента № 000772 от 20.09.2005 г., расположенное по адресу: 3-ий Турткульский переулок, 80, добровольно ликвидируется (протокол собрания от 18.02.2009 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления. Тел.: 296-10-42.

Утерянный оригинал договора купли-продажи квартиры, расположенное по адресу: г.Ташкент, Чиланзарский район, Чиланзар-16, д.7, кв.18 (регистрационный номер в книге № 1238) и план квартиры по вышеуказанному адресу, выданный БТИ Чиланзарского района г.Ташкента на имя Даминовой Шахло Шариповны, считать недействительным.

ЧФ "SHOAZIM SAVDO" (ИНН 205709444), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Шайхантахурского района г.Ташкента, расположенное по адресу: г.Ташкент, ул.-Шомахмудова, проезд Домком, дом 2, ликвидируется (решение учредителя 25.02.2009 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления.

ООО "DOMINO FOOD" (ИНН 206730736), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Шайхантахурского района г.Ташкента, расположенное по адресу: г.Ташкент, ул.Навои, 25 (протокол общего собрания № 1 от 04.02.2009 г.) ликвидируется. Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления.

Ташкентское городское общественное объединение экоцентр "BIOSTAN" (код по ОКПО 17859696, ИНН 203449224), зарегистрированное Министерством юстиции Республики Узбекистан, в связи с решением общего собрания № 1 от 25 февраля 2006 года, ликвидируется. Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по адресу: г.Ташкент, ул.Боткина, дом 7, кв.47. Тел.: 15918-12.

Тароватли қишлоқ оқшомлари...

1 март — Зулфия таваллуд топган кун

“Қаламим — инсонга, элга хизматим”

Ардоқли шоирамиз Зулфия ўзбек шеъриятининг келажаги ҳақида шундай башорат қилган эди:

Бу назм боғига киролмас хазон,
Бизни маҳв этолмас завол лашкари.
Мен кетсам мунғаймас ўрним ҳеч қачон,
Бу боғлар... Бир боғлар бўлади ҳали...

Ҳа, шоира янглишмаган эди. Бугун унингдек шеъриятга ошно бўлиш, бошқача айтганда, Зулфияхоним қизлари сафидан жой олиш ҳар бир қизнинг орзусига айланган. Умри поёнида ёзган шеърларидан бирида шоира “Бахтим шул – Ўзбекнинг Зулфиясиман”, деган эди фахр-ифтихорга тўлиб. Менимча, ушбу мисраларда шоира ижодининг мазмун-моҳияти мужассам.

Зулфия 1915 йил 1 мартда, баҳорнинг илк кунида таваллуд топди. У яратган асарларнинг баҳор мисоли ифорли, ҳароратли эканининг боиси балки шундандир? Шоира шеърларида баҳорга жуда кўп мурожаат қилади, кўкламни янгланиш, яшариш фасли дея қадрлайди. Баҳор ва баҳор куйчисининг соғинчи унга илҳом беради, қалам тутишга мажбур этади.

XX аср ўзбек адабиётида аёл ижодкорлардан иккитасининг хизматини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим: Зулфияхоним ва Саида Зуннунова. Бу шоиралар вафо ва садоқатни нафақат жўшиб куйлаган, балки ўзлари ҳам вафо ва садоқат тимсолига айланган эдилар. Шу боис уларнинг ижоди суньийлик ва ясамаликдан йироқ, табиий ва мафтункор.

Зулфия бағрикенг устоз эди. Ҳалима Худойбердиева, Ойдин Ҳожиева, Турсуной Содиқова, Эътибор Оҳунова, Қутлибека Раҳимбоева ва яна кўплаб шоиралар унинг муносиб издошлари, давомчиларидир.

Француз олими Сент-Бёв бир неча йиллик кузатишлари натижасида ижодкор яратган асарларида ўзи ҳақидаги гапларни ҳам билиб-билмай ошкор этади, деган фикрга келади ва “Ҳеч бир ёзувчи, айниқса, шоир сиздан ҳеч нарсани яширолмайди”, деб ёзади. Ҳақиқатан ҳам, шеър шоирнинг дарди, изтироби, қувончу шодлигидан яралади. Шундай бўлмаса, у шеърхон қалбидан жой ололмайди. Зулфия шахс сифатида улкан сиймо эди. Унинг шеърларидаги лирик қаҳрамон шоира шахсидан андоза олганига шубҳа йўқ.

Ижодкорнинг дарди, изтироби, қувончу ҳаяжонлари қанчалик кучли бўлса, у яратган асарлар ҳам шунчалик таъсирли бўлади. Зулфия чинакам истеъдод эгаси эди, тақдири Ҳамид Олимжон билан боғланиши унинг ижодий камолотига туртки бўлди. Шоира шеърларини Ҳамид Олимжонга кўрсатар, шоир эса битикларга қалам урмас, яхши-ёмон чиққан жойлари ҳақида фикрини айтиш билан чекланар экан. Илк танишув пайтидаёқ у Зулфиядан рус адабиёти билан қай даражада танишсиз, деб сўрайди. Шоира фақат таржималарни ўқишини айтганда, бу етарли эмаслиги, асарни аслида ўқигандагина унинг жозибасини ҳис этиш мумкинлигини таъкидлаб, Некрасовнинг китобларидан бирини келтириб беради.

Турмуш ўртоғининг фожиали тақдири Зулфия шеъриятига мангу ҳижрон мавзусини олиб кирди. “Баҳор келди сени сўроқлаб”, “Кечир, қолдим ғафлатда”, “Ўрик гуллаганда”, “Кўрганмидинг кўзларимда ёш?”, “Сен қайдасан, юрагим” ва бошқа қатор етук шеърлар шоиранинг айрилиқ азобларидан яралган. “Мен баъзан шоирларда эртанги кунни ҳис этиш, олдиндан кўра билишдек хислат бормикан, дея ўйлаб қоламан. Балки буни уларнинг ўзи англаб етмас. Шоирлар ўзгалар тақдирини қаламга олганда ҳам билиб-билмай ўзи ҳақида башорат қилиши мумкин... “Уруш китоби” деб ном олган китобимга киритилган ҳижрон мавзусидаги шеърларни яратганимда Ҳамид Олимжон ҳаёт эди – биз китобнинг корректурасини бирга ўқиб чиққан эдик. Афсуски, бу китобни кўриш унга насиб этмади...”, деб ёзади шоира.

Шоира суйишни, ҳатто, айрилиш ва куйишни бахт деб билди, бир умр ёниб яшади. Айрилиқ, ғам оловларида тобланди, руҳан покланди. Инсон ўз умридан рози бўлиши ва буни баралла айтиши учун ҳаётнинг энг оғир синовларидан мардонавор ўтган бўлиши лозим. Зулфия умридан розилигини баралла айтишга ҳақли аёл эди.

Мен ўтган умрга ачинмай қўйдим,
Ҳеч кимда кўрмайин умримга ўхшаш;
Суйдим,
Эркаландим,
Айрилдим,
Куйдим,
Иззат нима билдим,
Шу-да, бир яшаш!..

Зулфия 1954-1985 йиллар давомида хотин-қизларнинг севимли нашри — “Саодат” журнали бош муҳаррири сифатида фаолият кўрсатди.

... Кунларнинг бирида ёш ижодкорлардан бири шоирага “Қаламингизни ўғирлаб олсаммикин? Зора, истеъдодингиз менга ҳам юқса”, дея ҳазиллашади. Оддийгина ҳазил ижодкор қалбини жунбушга солади, ажойиб шеърнинг яратилишига туртки бўлади. Шоира қимматбаҳо тақинчоқларини, анжомларини ўғирлатишга рози, лекин қаламини эмас. Чунки у қалам билан тирик, шу орқали одамларга бахт, қувонч, эзгулик улашади:

Қалам-ла мен тўқийман қўшиқ,
У — инсонга, элга хизматим.
Бурчин бекам адо этган йўқ,
Қарзим узар икки фарзандим.
Фарзанд меҳри ва қаламимни
Ҳудо ҳаққи, қўйинг ўзимга.
Усиз қолсам, ўлди деб мани
Секин парда тортинг юзимга...
Ўғирламанг қаламим бир кун!..

Зулфия шеърлари дунёнинг жуда кўплаб тилларига таржима қилинган. Шоира Пушкин, Лермонтов, Леся Украинка, Мустай Карим, Марварид Дилбози, Эдди Огнецвет, Амрита Притам, Габриэла Мистрал сингари машҳур шоирлар яратган дурдона асарларни ўзбек тилига маҳорат билан ўгирди. Зулфия Жавоҳарлаъл Неру номидаги умумҳиндистон соврини, тинчлик ва дўстликни тараннум этувчи асарлари ҳамда Осиё ва Африка ёзувчилари ҳаракатидаги фаол иштироки учун халқаро “Нилуфар” мукофотига сазовор бўлган. Шунингдек, у Болгариянинг биринчи даражали “Кирилл ва Мефодий” ордени билан ҳам тақдирланган.

1999 йил 10 июнда Президентимизнинг “Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди. Мана, шундан буён аъло ҳулқи, зукколиги, ижодкорлиги, ташаббускорлиги ва ўқишдаги муваффақиятлари билан тенгдошларига ўрнак бўлиб келаётган иқтидорли қизлар ушбу мукофотга сазовор бўлмоқда. Пойтахтимиздаги кўчалардан бири ҳам шоира номи билан юритилмоқда. Ўтган йили таваллуд куни арафасида пойтахтимиз марказида Зулфия ҳайкалининг очилиши шоира хотирасига кўрсатилган ҳурмат-эҳтиромнинг яна бир намунаси бўлди. Чиндан ҳам, бутун умрини эзгуликка бағишлаган инсон ана шундай ардоққа юз карра лойиқ.

Шаҳноза ЭРГАШЕВА

Қалбларга эзгулик инди...

Ранг-баранг сепини чор-атрофга ёйиб кўклам ташриф буюрмоқда. Ҳадемай далаю дашт, боғу роғ, тоғу адирлар чечаклар билан қопланади, майса, гиёҳлар бош кўтариб, борлиқ ям-яшил либосга бурканади. Баҳор қуёшининг заррин нурлари орқали қалбларга инган эзгулик инсонда яхшиликка, хайр-саховатга рағбат уйғотади. Кўклам — яшариш, янгиланиш, яратиш фасли. Бу фаслда одамзод табиатдан ибрат олади — дилни, ниятни, амални ғуборлардан поклайди, яратиш ишқи билан яшайди.

Навбаҳор барчамизга қутлуғ келсин, азиз юртдошлар!

Замондош мушоҳадалари

*** Истак, орзу инсоннинг кўнглида пайдо бўлади. Уни амалга ошириш эса инсон миясининг фаолиятига боғлиқдир. Агар кўнгилда пайдо бўлган истакларнинг айримларини мия инкор эта олмаса, инсон йўлдан адашади ва ҳаётда катта хатолар қилади.**

* Ирода — киши жисмининг ақл ҳукмига бўйсинишидир.

*** “Одамлар гапиради”, деган ибора ва гаплар учун ҳаётингни, ёшлигингни, бахтингни қурбон қилма!**

* Юксакроқ муваффақият ва бахтга эришиш учун, баъзан унга нисбатан кичикроқ, лекин мавжуд бўлган бахт ва муваффақиятлардан воз кечиш, унинг ўрнига ўзни қийинчиликларга уришга тўғри келади.

*** Санъат ва мусиқани севмайдиган кишиларда меҳр ва раҳм-шафқат бўлмайди.**

* Ҳеч бўлмаса ҳафтада бир маротаба чин кўнгилдан хандон отиб кулсанг, соғлиғинг яхши бўлади ва узоқ умр кўрасан.

*** Инсон бошқа жисмлардан ўзининг таянч нуқтаси ва оғирлик марказининг жойлашиши билан ҳам фарқ қилади, инсоннинг оғирлик маркази унинг миясидадир.**

* Агар фарзандларим обрўли ва ҳурматли бўлсин десанг, аввало, уларни ўзинг ҳурмат қил, лекин эркалаш билан ҳурмат қилишни асло алмаштириб юборма.

*** Дунёда энг қимматли нарса — бу соғлиғингдир. Тўғри, оиланг, болаларинг учун куйиб-ёнасан, лекин сен соғлиғингни йўқотсанг, уларни ким ўйлайди?**

* Ҳар бир киши ўзини дунёнинг устуниман, деб ҳисоблайди. Одамлар билан шунга қараб муомала қил.

*** Писмиқ одам билан бир кун бирга юрсанг, ҳаётинг бир ҳафтага қисқаради.**

Октябрь РАҲИМОВ

Кулдон — пулдон

... Корхонамизда чекишга қарши кураш бошланди. Аввалига ҳар жой-ҳар жойга чекиш тақиқланганлиги ҳақида варақалар ёпиштирдик. Маълум вақт ўтгач, рассом ёллаб, сигарет қутисидаги “Соғлиқни сақлаш вазирлиги огоҳлантиради: чекиш ҳаёт учун хавфлидир” деган ёзувни корхонамиз пештоқига бўйи басти одамдек келадиган ҳарфлар билан ёздирдик. Корхонамиз ҳиёбонида эса одамнинг ўпкасини тешиб ўтган чўғли сигарета тасвири туширилган каттакон рангли панно пайдо бўлди.

Бу тарғибот-ташвиқот ишлари андак самарасини кўрсата бошлади. Оқшомда хоналарни йиғиштиргани келган фаррош опа сигаретанинг тутуни ва ҳидига чидаёлмай, аввал эшик ва деразаларини очиб, обдон шамоллатиб олгач, кейин тозалайдиган бўлди. Кулдонлар столнинг устидан тортма ичига тушди. Қоровул чол, ҳатто, қанча урининг дарвоза олдида боғланган итини сигарет чекаётган одамни кўрса увуллашга ўргатди.

Сигарета дудидан сарғайиб кетган тишларини кўрсатиб, тиржайиб туравердиган кашандаларга гап таъсир қилмаётганидан хуноби чиққан бошлиқ ўринбосари корхона ҳудудида чекканларга жарима солиш, чекишга қарши энг яхши чора, дея таклиф қилди.

– Қанча миқдорда? – савол бериб қолди ашаддий кашандалардан бири ҳайрон боқиб.

Ҳамма бошини қашлади.

– Жаримани катта қўйиб бўлмайди, – деди касаба уюшмаси раиси. – Чекишни ташлолмаганлар жаримадан безиб, ишдан кетиб қолиши мумкин. Баҳоли қудрат тўлаб юргудай қилиб белгилайлик-да.

Кўпчиликка мақбул бўладиган меъёрни белгиладик. Арзимаган нарса. Лекин тома-тома кўл бўлур деганларича бор экан. Тобора ортиб бораётган жамғармани сарфлаш бўйича ҳам тортишувлар бўлиб турибди. Баъзи ходимлар табиат қўйнига чиқиб, яйраб чекишиб келайлик деса, айримлари “ўз маблағимиз-ку, ишхонамиз ҳудудида қашандалар хийбони барпо этиб, бирорта кичикроқ бўлса ҳам “содиқ чекувчиларга” ёдгорлик ўрнатайлик”, дейди. “Чекишни ташлаганларга мукофот қилиб берайлик”, деяётганлар ҳам йўқ эмас. Лекин булар бари олдиқочди гаплар. Жарима охирги ҳисобатда нима мақсадга сарфланиши масаласи ҳамон очиқ турибди.

Яқинда, мени бир танишим йўқлаб келди. Хонамдан чиқиб дарвозанинг олдига яқинлашдим. Қоровул дарвозани очиши билан меҳмон ичкари кирди ва қучоқлашиб кўришдик. Шу пайт қоровулнинг сал четроққа бойланган ити увиллаб қолди.

– Ие, чекаётувдингми?

– Нима қилди? – ҳайрон бўлиб енгидан қўлини чиқарди ва тутаб турган сигаретига қаради меҳмон.

Шу заҳоти қоровул чиройли қулдонни ёнимизга келтириб қўйди. Дўстим сигаретини дарров қулдонга ташлади. Ёғ тушса ялагудек ялтиллаб турган қулдонга тушган сигарет қолдиғи кўзимга бирам ҳунук кўриниб кетди-ей. Меҳмон эса ёнимизда серрайиб турган коровулнинг ҳолатидан тааҳжубга тушиб менга қаради. Қулоғига шивирлаб “ички тартиб-қоидаларимиз-”ни тушунтирдим. У ғалати жилмайиб чўнтагидан иккита минг сўмлик чиқарди ва қулдондаги сигарет қолдиғини “ёпиб” қўйди.

Бу ишларни кўриб, бирдан хаёлим қочди. Йўқ, энди мени чекишга қарши кураш кампанияси ҳам, жаримадан йиғилган маблағни нимага сарфлаш масаласи ҳам, ҳатто, дўстимнинг ёнимга нима дардда келгани ҳам ўйлантирмасди. Мен бутунлай бошқа нарса ҳақида — турли-туман камчилик, ёмон одатларимизни худди ана шундай жарима билан “ёпиб” қўйишга одатланиб қолаётганимиз ҳақида ўйлай бошладим. Қизиқ, “Ахлат ташлаганга фалонча жарима” деб ёзиб қўйилган жойда чиқинди уюмини кўрамиз, автомобиль бошқариш пайтида уяли алоқа воситаларидан фойдаланганлик учун жарима солинади, лекин автомашина ҳайдаётганларга бир қаранг: аксариятининг, ҳатто, жамоат транспортини бошқараётган ҳайдовчиларнинг ҳам бир қўли рулдаю, бир қўлида “сотка” деган матоҳ! Айримлар жаримани режалаштириш ва бажарилишини назорат қилишга ҳам ўрганиб қолишяпти, шекилли. Ҳатто, жарима йиғиш режасини бажармаганларга жарима солиш ҳақида ҳам таклифлар ишлаб чиқилса ажаб эмас. Бундан чиқди, ҳар қандай иллат усти жарима билан ёпиб қўйилса, олам гулистон экан-да-а?!

Жарима ташланишини кутиб ётган қулдон-пулдонлар эса... тобора кўпайиб боряпти.

Хабиб СИДДИК

Ҳидоят нури дилларни ёритсин

** Бирор касбу ҳунар орқасидан ризқу насибага эга бўлиб яшаётган одам, шу касбни беузр ўзгартирмасин!*

** Кимки шуҳрат топиш нияти билан ясаниб кийим кийса, у то шу кийимини ечмагунича Аллоҳнинг раҳмат назаридан узоқда бўлур.*

** Ёмон улфатдан яккалик яхши, яккаликдан яхши улфат яхши, жим ўтиргандан фойдали гап яхши, бефойда гапдан сукут сақлаган яхши.*

** Бўш ерларни ўзича егаралаб ўзига мулк қилиб олиш ва савдода ўзи олмайдиган нарсанинг баҳосини кўтариб кетишлик исломда йўқ.*

** Ҳеч ким ўзига-ўзи ўлим тиламасин. Чунки яхши одам бўлса, тирик ҳолида савобли ва хайрли ишларни кўп қилиши мумкин. Агар гуноҳлари кўп бўлса, тавба қилишга имконият топади.*

** Бировга ҳам зарар етказма, ўзингга ҳам бирор зарар етказишга йўл қўйма.*

** Истиғфор (кечирим сўраш) билан катта гуноҳлар ҳам кечирилади. Муттасил қилинаверса, кичик гуноҳлар ҳам каттага айланади.*

“Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари” китобидан олинди.

Билса ҳазил, билмаса...

Қизғанчиқ дунё

Ўзи-ку хашак емайди Кучук,
Қизиқ, қизғанади Сигирдан нечук?!

Қоғозгул

Бўлса кимки жоҳил, “ҳазил ҳисси” йўқ,
Мисли қоғоз гулдир бўйи, иси йўқ!

Лоқайдхўжа

— Элу юрт ҳақида қайғурмайди-ку?
— Одам кўпайсинга туғилган-да у!

Савоб

Эгаси семизу қўй-қўзи ориқ,
Ким кимни парвариш қилгани аниқ!

Ҳаёт — “Бош муҳаррир”

Ўтади ҳамма ҳам жиддий таҳрирдан,
Ҳаёт деб аталмиш “Бош муҳаррир”дан.

Меъёр

Ҳазил ҳам тузмижоз — зарурдир меъёр,
Меъёрин бузишгач, панд еганлар бор.

Тўлан ТАБАССУМ

Маҳмуд ЭШОНҚУЛОВ чизган расм.

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР КЕНГАШИ
Сайфиддин ИСМОИЛОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Раҳимберди БЎРИЕВ, Гуломжон ИБРАГИМОВ, Акром АРИПОВ, Саидамин САИДЖАЛОЛОВ, Баҳодир АБДУҚОДИРОВ, Раҳматилла РЎЗИҚУЛОВ, Борий АЛИХОНОВ, Абдурахмат БОЙМУРОДОВ, Саид АРАБОВ, Муҳаммад ЖУМАГАЛДИЕВ, Виктор ЧУБ, Валерий УСТЮГИН, Шуҳрат ТОШМУРОДОВ, Шуҳрат НУРМАТОВ, Адилбек АХМЕТОВ, Оловуддин ИБРАГИМОВ, Шамсиддин ЭСОНБОЕВ, Зиёвуддин ОБИДОВ.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ағитай АДИЛОВ, Гофир АЛИЕВ, Тўланбой ҚАРИМОВ, Шуҳрат ҒАНИЕВ, Ўктам БАРНОЕВ, Ўткир РАҲМАТ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Жуманиёз ЖАББОРОВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Омонулла ЮНУСОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (масъул котиб).

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 236-58-83, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 236-54-44, 233-28-04, Котибият — 233-95-17, Реклама ва эълонлар — 236-58-83, 233-44-43, 233-28-04. Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.
ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:
Қорақалпоғистон Республикаси – 585-16-12; Андижон – 224-99-13; Бухоро – 542-05-18; Жиззах – 366-61-16; Навоий – 224-69-08; Наманган –224-81-69; Фарғона – 223-35-98; Самарқанд – 222-29-97; Сирдарё – 372-38-13; Тошкент – 100-29-61; Хоразм – 750-82-39; Қашқадарё – 221-59-40.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар
Ⓣ -тижорат мақола

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Навбатчи: Р.СУЯРОВ
Мусаҳҳиҳ: А.НУРУЛЛАЕВ
Дизайнер: Ф.РАСУЛОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Газета сешанба, пайшанба (“Ҳаёт”-илова), жума кунлари чиқади.
Буюртма Г-117, ҳажми 2 босма табоқ.
БСБВRGBCMY4RP
E-mail: kishlokhayoti@rambler.ru
Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 21.30
20017 нусхада босилди. Нашр индекси — 144
Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.
“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.
12345678